

“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ”ДА  
ФЕЪЛ ТУРКУМИГА ОИД СИНОНИМ  
СЎЗЛАРНИ ИЗОҲЛАШГА ГРАДУОНИМИК  
ЁНДАШУВ

*Саидова Фарида Аллаёр қизи, Ренессанс таълим  
университети доцент в.б., филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)*

A GRADUONYMIC APPROACH TO THE  
INTERPRETATION OF VERB GROUP SYNONYMS  
IN THE “ANNOTATED DICTIONARY OF THE  
UZBEK LANGUAGE”

*Saidova Farida Allayor qizi, associate professor of the  
Renaissance Educational University, Doctor of Philosophy in  
philological sciences (PhD)*

ГРАДУОНИМИЧЕСКИЙ ПОДХОД К  
ТРАКТОВКЕ СИНОНИМОВ ГРУППЫ  
ГЛАГОЛОВ В “ТОЛКОВОМ СЛОВАРЕ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА”

*Саидова Фарида Аллаёр қизи, доцент образовательного  
университета Ренессанс, доктор философии по  
филологическим наукам (PhD)*



<https://orcid.org/0009-0001-7598-4185>

e-mail:

[saidovafarida1102@gmail.com](mailto:saidovafarida1102@gmail.com)

**Аннотация:** Амалий лексикография соҳасида эришилган муайян муваффақиятлар билан бир қаторда лугатчиликнинг назарий муаммоларига – лугатишуносликка ҳам эътибор қаратилган, изоҳли ҳамда икки тилли лугатларнинг маълум лексикографик масалаларини ҳал этишида орттирилган бой тажрибани, шунингдек, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай изланишларнинг натижа ва хулосалари тузилажак лугатларнинг сифатини яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз. Ушбу мақолада “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да синоним лексемаларни изоҳлашда даражавий ёндашувнинг сўзларнинг изоҳини янада мукаммалаштиришга, аниқлаштиришга имкон яратиши хусусидаги мулоҳазалар берилган. Градуонимик ёндашув асосида изоҳлашни аниқлаштириши учун объект сифатида феъл сўз туркумидаги лексемалар танлаб олинган ҳамда изоҳланган.

**Калит сўзлар:** лексема, феъл, градуонимия, лугат, синонимия, изоҳ, лексикография.

**Abstract:** In addition to certain successes achieved in the field of practical lexicography, attention is paid to the theoretical problems of lexicography - lexicology, and the rich experience accumulated in solving some lexicographic problems of explanatory and bilingual dictionaries, as well as the shortcomings therein. In this region, a number of scientific works were also carried out. There is no doubt that the results and conclusions of such studies will help improve the quality of the created dictionaries. This article provides comments on the level approach to the interpretation of synonymous lexemes in the “Annotated Dictionary of the Uzbek Language” which allows us to further clarify and clarify the interpretation of words. To clarify the

interpretation based on the graduonymic approach, lexemes from the group of verb words were identified and explained as objects.

**Key words:** lexeme, verb, graduonymy, dictionary, synonymy, annotation, lexicography.

**Аннотация:** Помимо определенных успехов, достигнутых в области практической лексикографии, уделяется внимание и теоретическим проблемам лексикографии – лексикологии, и богатому опыту, накопленному в решении некоторых лексикографических задач толковых и двуязычных словарей, а также имеющимся в этом недостаткам. Также был выполнен ряд научных работ. Нет сомнения, что результаты и выводы подобных исследований помогут повысить качество создаваемых словарей. В данной статье даются комментарии об уровне подходе к толкованию синонимических лексем в «Аннотированном словаре узбекского языка», что позволяет в дальнейшем уточнить толкование слов. Для уточнения интерпретации на основе градуонимического подхода были выделены и объяснены как объекты лексемы из группы глагольных слов.

**Ключевые слова:** лексема, глагол, градуонимия, словарь, синонимия, аннотация, лексикография.

**КИРИШ.** Луғатлар ҳар бир тилнинг сўз бойлиги, имкониятлари доирасини белгилаб берувчи миллий манба ҳисобланади. Луғатлар йиллар ўтгани сари эскиради, янгиланади. Луғат тузиш, луғат мақолалари учун изоҳ ва мисолларни танлаш каби масалалар ўзбек луғатчилик амалиёти учун муҳим ва долзарб. Глобаллашув, интернет асрида, табиийки, турли янги луғатларга эҳтиёж туғилади, унинг натижаси ўлароқ замонавий лексикографиянинг ютуқларидан бири корпус луғатларининг яратилаётгани бўлди. Аммо корпусга киритилаётган сўзлар мавжуд имкониятлар асосида жойланади. Ўзбек миллий корпусини мукамал даражага олиб чиқиш учун, миллий луғатчилик анъаналарига ойдинлик киритиш лозим.

Сўзлараро лексик-семантик муносабатларнинг анъанавий турларидан бири синонимия ҳодисасининг замонавий лексик-семантик муносабатларидан гипонимия ва градуонимия билан ўхшаш томонлари мавжуд. Жумладан, лексик-семантик қаторнинг мавжудлиги, етакчи сўзнинг ўрни аниқ сезилиб туриши ҳамда қаторда мавжуд лексемаларнинг маъновий бир-бирига яқинлик хусусиятлари бу учта муносабатнинг бирлаштирувчи белгилари ҳисобланади. Аммо гипонимия, градуонимия ҳодисалари синонимиядан фарқли равишда замонавий тилшуносликда пайдо бўлди.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.**

Тилшуносликда градуонимия сўзлараро маъновий муносабатларнинг алоҳида бир кўриниши сифатида ажратилгунга қадар, белгини

даражалаб ифодаловчи сўзлар сираси синонимлар доирасида ўрганилар эди [4].

Градуонимия ҳодисасининг аҳамияти, мазмун-моҳияти синонимларга яқин туради. Шунга қарамадан, градуонимия синонимиянинг, синонимия градуонимиянинг таркибий қисмлари орасидан жой олади. Идеографик синонимларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири лексема семаларининг ижобийлик ва салбийлик бўёғига кўра даражавий ўсиши ҳисобланади.

Ўзбек тилининг синонимлар луғатида ҳам, рус тилининг синонимлар луғатида ҳам маъноси даражаланувчи сўзлар кўп ҳолларда синонимлар сирасида берилар эди. Даражаланиш ҳодисаси махсус ажратилмагач, шу туркум сўзлар синонимик уяларга сочиб юборилган. Чунки синонимлар маънолари бир-бирига мумкин қадар яқин бўлган сўзларни ўз ичига олади [Орифжонова Ш., 1996].

Синонимия маънолари бир хиллиги, ўзаро яқинлиги ёки ўхшашлиги ҳодисаларига асосланса, градуонимия эса фарқлилик омилларига таянади. Демак, синонимия ва градуонимия ҳодисалари ўзаро кескин фарқланади. Шунга қарамай, улар ўртасида маъновий муносабат мавжуд. Бу маъновий муносабат қай йўсинда намоён бўлади деган ҳақли савол туғилади. Аслида, синонимлардан бири ўрнида иккинчисини контекстуал қўллаш имконияти мавжуд бўлса, денотатив маъноларга асосланган градуонимларда бундай бўлиши мумкин эмас, бироқ барча ҳолларда градуонимлар орасида даражаланиш фарқлари кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Бундай

ҳолларда семемалардаги ўхшашлик ортади ва бу ҳолат уларда маъновий яқинликни (синонимлардаги каби бирликни, айнанликни эмас) келтириб чиқарадики, натижада, улар айрим контекстуал омиллар ҳисобига бири ўрнида иккинчисини қўллаш имкониятига эга бўлиб қолади [3].

Демак, даражаланиш борлиқдаги ҳар бир ҳодисада намоён бўлади. Даражаланиш ҳамда синонимия ўртасида фарқ ва ўхшашлик мавжудлиги табиий ҳодиса. Чунки лексемалар сўзловчи томонидан ўз лисоний базасидан турли ўринларда турли мақсадда фойдаланиш учун танлаб олинади ва ўша маъноси лексеманинг лексик-семантик парадигмалардан бирига тегишлилигини белгилайди.

Ўзаро маънодош сўзларнинг берилишида даражавий ёндашувга баъзи мисоллар берилган, аммо синонимларга худди шу ҳолатда ёндашув кузатилмаган. ЎТИЛда шундай изоҳ берилади: "...асосий сўзнинг маъносига берилган изоҳ ҳавола этилган сўзнинг маъносига тегишли экани, иккинчидан (услубий белги билан), ҳавола этилаётган сўзнинг ўзига хос хусусияти қайд этилади. Бу билан изоҳнинг мукамаллиги таъминланади. Ана шундай имкониятлар бўлмаган тақдирда, маънодош сўзларнинг ҳар бирига (унинг маъносига) изоҳ бериш талаб этилади. Мас., *яхши, дуруст, соз* сўзлари ўзаро синонимлардир. Улар белгининг даражаси нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Бу фарқни бирон белги билан эмас, ўзига хос изоҳ билан бериш мумкин. Мисол:

**ЯХШИ 1** Ижобий белги-хусусиятли...

**ДУРУСТ** Бироз яхши, ёмон эмас...

**СОЗ 1** Жуда яхши...[5]

Луғат кириш қисмидаги ушбу таъриф ЎТИЛнинг ички луғат мақолаларида учрамайди. Муаллифлари ўзаро маънодош сўзларнинг даражаланиш имкониятини инобатга олган ҳолда худди шу шаклда (юқоридаги мисол) беришни таклиф қилади.

#### **НАТИЖАЛАР.**

Даражаланиш ҳодисаси, асосан, лексемалардаги сифат ва микдор ўзгаришларида намоён бўлади. Борлиқда барча мавжудлик ўсувчи ёки камаювчилик хусусиятига эга. Ҳаётининг қонуниятлардан мисол келтирсак, *тонг, кун, кеча, тун*. Қуёшнинг чиқиши ва ботиши натижасида инсонлар

томонидан вақтга қўйилган номларда ҳам ўсиш ва камайиш ҳодисаси мавжуд.

Инсоннинг фаол онги ана шу микдорий ва сифатий фарқларни акс эттиради. Тил онгининг шаклий жиҳати бўлганлиги боис у онгдаги акс эттирилган мана шундай микдорий фарқларни ҳам ифодалаш лозим. Бундай микдорий фарқлар турли усуллар билан, жумладан, алоҳида-алоҳида сўзлар билан ҳам ифодаланади. Чунончи, *ниҳол-қўчат-дарахт, нинни-чақалоқ, гўдак-бола, бузоқ-тана-гунажсин-сигир* каби[1].

**МУҲОКАМА.** ЎТИЛда даражаланиш алоҳида ифода этилмаган бўлса-да, юқорида айтилганидек, уни, албатта, акс эттириш мумкин ва луғатда сўзларни даражаланиш қаторидаги сўзларни изоҳлашда баъзи ишораларни аниқлаш мумкин. Маълум бир белгининг оз-кўплиги, турли хил даражаларига ишоралар мавжуд.

*Жилмаймоқ – кулумсирамоқ – табассум қилмоқ – кулмоқ – қаҳ-қаҳламоқ* маънодош сўзларининг даражаланиш асосида тузилган даражавий қаторининг ЎТИЛдаги изоҳида қуйидагича ҳолатни аниқлаш мумкин:

**ЖИЛМАЙМОҚ 1** Кулумсирамоқ, табассум қилмоқ.

**КУЛУМСИРАМОҚ** Мийғида кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ.

**Табассум қилмоқ** Кулумсирамоқ; жилмаймоқ. *Юлдузхон Муҳиддинга қараб, маъноли табассум қилди*. Р.Файзий, Чўлга баҳор келди.

**КУЛМОҚ 1** Юз, кўз ҳаракатлари ёки турлича товуш (товушлар) билан хурсандлигини, завқ-шавқини ифодаламоқ, кулги ифодаламоқ.

**ҚАҲҚАҲ(А)ЛАМОҚ** “Қаҳ-қаҳ”га ўхшаш товуш чиқармоқ; хаҳоламоқ.

Ушбу даражаланиш қаторининг етакчи сўзи (доминанта) “*кулмоқ*” лексемаси бўлиб, қолган лексемалар шу сўз атрофида бирлашади. Умуман, олганда, луғавий парадигмаларни ажратишда етакчи сўз катта аҳамиятга эга. Луғавий парадигмада етакчи сўз шу луғавий микросистеманинг маркази, ядросини ташкил этади; микросистема таркибидаги бошқа сўзлар унинг турли хилдаги қуршовини ҳосил қилади. Луғавий парадигманинг марказида ўта кенг истеъмолли сўз ётиб, унинг қуршовида луғавий парадигма етакчи сўзининг маъноси турли хил қўшимча маъновий хусусиятлар ва услубий бўёқлар билан мураккаблашади[2].

Даражаланиш ва синонимик қаторнинг фарқларидан бири синонимик қаторда бош сўз хар доим қаторнинг бошида ёзиладиган сўз ҳисобланган; градуонимик қаторнинг бош сўзи эса сўзларнинг даражасига қараб белгиланди ва муқим ўрни мавжуд бўлмайди.

ЎТИЛда берилган изоҳлар асосида ушбу даражаланиш қаторини иккита қисмга ажратиш мумкин:

- кулишнинг меъёрдан пастлик даражаси;
- кулишнинг меъёрдан ошган даражаси.

*Жилмаймоқ, кулумсирамоқ, табассум қилмоқ* лексемалари кулишнинг меъёрдан анча паст эканлиги ҳамда ижобий кулиш белгиси мавжудлигини кўрсатади.

*Қаҳ-қаҳ(а)ламоқ* лексемаси кулишнинг меъёрдан ошганлик даражасини кўрсатади ва ижобий бўёқдор сўз. Даражаланиш қаторидаги сўзларнинг белгининг ошиб бориши юзасидан изоҳланишида шу сўзларнинг синонимини келтириш ҳолати кузатилади. *Жилмаймоқ, кулумсирамоқ, табассум қилмоқ* сўзларининг изоҳида худди шу ҳолатга дуч келинади. *Кулмоқ* ва *қаҳқаҳламоқ* сўзларида изоҳ тўлиғича акс этган.

ЎТИЛда *кулмоқ* градуонимик-синонимик қаторини муаллифлар (ЎТИЛ) эътирофига таянган ҳолда қуйидагича изоҳлаш тавсия этилади:

**ЖИЛМАЙМОҚ** <sup>1</sup> Инсоннинг руҳияти билан боғлиқ ҳолда, нимадандир кўнгли тўқ вазиятда лабнинг жуда кичик ҳолда ёнга томон чўзилган ижобий юз ифодаси, товуш чиқармасдан кулишнинг энг паст даражаси, мулойим кулмоқ.

**КУЛУМСИРАМОҚ** Инсоннинг руҳияти билан боғлиқ ҳолда, бирор нарса-ҳодиса туфайли кулги пайдо бўлиш арафасидаги ижобий юз ифодаси, товуш чиқармасдан кулишнинг паст даражаси, мийиғида кулмоқ.

**Табассум қилмоқ** Инсоннинг руҳияти билан боғлиқ ҳолда, бирор нарса-ҳодиса туфайли кулги пайдо бўлган ижобий юз ифодаси, товуш чиқармасдан кулишнинг ўрта даражаси.

**КУЛМОҚ** <sup>1</sup> Юз, кўз ҳаракатлари ёки турлича товуш (товушлар) билан хурсандлигини, завқ-шавқини ифодаламоқ, кулги ифодаламоқ.

**ҚАҲҚАҲ(А)ЛАМОҚ** “Қаҳ-қаҳ”га ўхшаш товуш чиқармоқ, кулишнинг юқори даражаси; хахоламоқ.

Феълли градуонимик қаторлар мўътадил (нейтрал) сўз атрофида бирлашади; бу сўздан ўнг ва чап томонга қаторланади. Марказдан – мўътадил сўздан узоқ-яқинлик белгининг (зидланиш асосининг) мўътадил сўздан неча даража қуйи ёки юқори, кучсиз ёки кучли, паст ёки баландлигини белгилайди[2]. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, даражаланишни аниқловчи сўз бу *ўрта* лексемаси. Изоҳларда *жуда паст, паст, ўрта, юқори* сўзларидан фойдаланилди ҳамда маъновий даражаланишга асосланган изоҳлар тикланди.

**ХУЛОСА.** Сўз белгиларининг даражавий ўсиб бориши ва сифат –миқдор ўзгаришларини битта градуонимик қаторда намоён бўлиши мураккаб жараён. Бунга асосий сабаб шуки, лексеманинг ифода семаси мавжуд. Бошқа семалар каби бу сема ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ифода семаси семема таркибидаги турли қўшимча маъно (услубий бўёқ, шахсий муносабат, қўлланилиш доираси ва даври)ни атовчи сема ҳисобланади. Аташ семаси каби, яъни сўзнинг денотатив маъноси каби ифода семаси ҳам лексема семемани фарқлаш қувватига эга бўлган сема бўлиб, улар ҳам лексик парадигмада аниқланади. Семемаларни тартиб билан жойлаш, ҳаммасини тўла-тўқис битта парадигмада жойлаштиришнинг мураккаб томони шундаки, услубий бўёқдорлик ва шахсий муносабатни билдирувчи семемалар (ижобийлик ёки салбийлик) тенг ҳолатда бўлиши мумкин.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Исломов И., Бобожонов Ш. Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиш луғати (мактаб ўқувчилари учун). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – Б. 6.
2. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан. номз... дисс. – Т., 1996. – Б. 42.
3. Раҳмонов Ғ.Р. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филол.фан.б. фал.док. ... дисс. – Фарғона, 2019. – Б. 38.
4. Файзуллаев М. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках: дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – 173 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020.